DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7638252 Pages: 842-848



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатларида аёл-қизлар масалси

Сайёра Саидова

Республика ёш олимлар кенгаш ННТ раиси
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори PhD
Sayyora.saidova@mail.ru

Kalit so‘zlar: oliy o‘quv yurti, ayollar, siyosat, chet tillari, ibora, hujjat, yosh avlod.

Annotatsiya: Ushbu maqolada Yangi O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatining o‘ziga xos jihatlarida ayollar va qizlar masali haqida batafsil to‘xtalib o‘tdik. mamlakatimizda ishonch telefonlariga berilayotgan imkoniyatlar va ayrim muammolarni yoritib, o‘z xulosa va takliflarimizni berdik.

CURRENT PROBLEMS OF TEACHING LATIN IN MEDICAL UNIVERSITIES

Key words: university, women, politics, foreign languages, phrase, document, young generation.

Abstract: In this article, we spoke in detail about the parable of women and girls in the specific aspects of State Youth Policy in New Uzbekistan. in our country, we have covered the opportunities and some problems given to hotines and have given our conclusions and suggestions.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКИХ ВУЗАХ

Ключевые слова: университет, женщины, политика, иностранные языки, фраза, документ, молодое поколение.

Аннотация: В этой статье мы подробно рассказали о притче о женщинах и девушках в конкретных аспектах государственной молодежной политики в Новом Узбекистане. в нашей стране мы рассмотрели возможности и некоторые проблемы, данные хотинам, и дали свои выводы и предложения.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан айни даврда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда БМТ минбарида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қаршиланди[1]. Ўзбекистон раҳбари бунга асос қилиб, бугун дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб кетгани, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омиллар сифатида асослаб берди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ва унинг мантиқий давоми бўлган “Тараққиёт сТратегияси”да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги устувор вазифалар белгиланди:

- жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик

[1] Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи // https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017

жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;
- ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб эТиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2016–2021 йилларда ёшлар сиёсатига доир 5 та қонун ва 55 та қонуности ҳужжати қабул қилинди. 2016 йилда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ёшларга оид даавлат сиёсати ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароитлар яратишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланиб, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар қонун билан мустаҳкамланди[2].

Мазкур қонунда белгиланган вазифалар ижроси доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлис палаталари ҳузурида "Ёшлар парламенти" ташкил қилинди. Шу билан бирга Инновацион ривожланиш

[2] Ўзбекистон Республикаси "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни. https://lex.uz/docs/3026246

вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил этилди. Ҳудудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади.

Шу ўринда хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилганлиги, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 2 баробарга ошириш орқали 2000 тага етказилгани таҳсинга лойиқ. Бундай имкониятларнинг яратилиши қиз-ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ёшларда китобхонлик кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида, янги ташаббус доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда китоблар етказиб берилади. Шу баробарида, ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этилади, кўчма китоб павильонлари жойлаштирилиб, “Библиобус”лар орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизматлари кўрсатиб борилади.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 2019-2020 йилларда барча туманларда 195 та тикув-трикотаж корхонаси барпо этиш учун аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп жойлар танлаб олинди. Натижада 24 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратилди.

Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди.

Биринчи ташаббус – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, исТеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорТ соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил эТишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Давлат раҳбарининг бу эзгу ғояси Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, қисқа вакТ ичида мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Мамлакатимиз томонидан ҳотин-қизларимизга берилган имкониятлар жуда кўп. Лекин, бу борадаги амалий ишларни кенг жамоатчиликда тарғиботини кенгайтириш зарур. Оилада тарбия қилинаётган ҳар бир фарзанд келгусида муносиб келажак учун муносиб. Бу таълим-тарбия эса аввало ота-оналарнинг бош мақсади бўлиши лозим. Афсуски бугун ота-оналар иш билан машғул бўлиб ўз фарзандлари учун етарлича вақт ва эътибор етказа олишмаяпти. Фарзандларнинг кўп бўлгани жуда ҳам яхши албата. Буни имкор қилмаймиз. Ҳозирда ўзбек хонадаонларида энг камида 2 нафар фарзанд бор, 3та, 4, ва ундан ортиқ фарзандлар бор ҳонадаонлар ҳам жуда кўп. Бу қувонали ҳолат лекин бу фарзандларга ота-оналар кераклича вақт ва эътибор бера олаяптими, мана шу масала жуда ҳам қизиқ.

Бундан 20 йил аввал тарбия ҳам яшаш тарзи ҳам ўзгача бўлган бугунги ривожланаётган даврда эса ҳар соат сайин янги методлар, янги аҳборот ва янги қарашлар шаклланмоқда. Замон сониялар ичида ўзганмоқда. Тарбия ҳам кечаги кун нормаларидан анчагина фарқли. Ўзбекларда “10 та бўлса ўрни 40 та бўлса қилиғи бошқа” деган мақол бор. Биз ҳар бир фанзардимизга алоҳида

эътибор қарата олаяпмиз, унинг сифатли таълими, соғлиғи, йийиши, кийиниши умуман шахс сифатида ривожи учун қанчалик аҳамиятлимиз. Ҳусусан, қиз фанзанларимизни келажакда бўлажак етук инсон бўлиши учун нималарга эътибор қаратяпмиз. Афсуслик, бизда қизларнинг билим олиши бу иккинчи даражали масала аксар оилаларда. Биз қизларимизни туғилишидан келинликка тайёрлаймиз. Уйларни йиғштир, овқат пиширишни ўрган, уй ишларини билмасанг эртага борган жойингдан ҳайдаворишади ва ҳоказолар. Қиз бола ҳам фарзанд уни шаҳс сифати тарбия қилишимиз лозим. Ўзбек оилаларида қиз болани бировни уйига ҳизматкор қилиб тайёрлашади. Қиз бола ўзини ҳурмат қилишини ўргатишимиз лозим. Унинг қизиқишларидан келиб чиқиб тўғри касб ҳунарга ўргатишимиз зарур. Билим олсин, ҳаётни англасин, ўз дунёқарашига эга бўлсин. Энг муҳими мустақил қарор қабул қила олсин. Мен бу билан қиз бола уй ишларини ўрганмасин дейишдан узоқдаман. Албатта билсин лекин ким учундир ўрганмасин ўзи учун қилсин. Уй ишларини ҳам бир қизиқиши, овқат қилишни эса ҳоббиси сифатида бажарсин. Шунда келажакда уй ишларини қилаётганда жаҳл қилмайди, биз оилада қиз фарзанларга уй юмушларини ўргатаётганимизда бабаробар ўғил фарзандларимизга ҳам қилдиришимиз керак. Ўғил болалар ҳам уй ишларини билиши лозим. Аксар ўзбек оилаларида уйда оналар ва қизлар уй юмушларини бажаришади оталар ва ўғил фарзандлар дам олиб ўтиришади. Менимча оиланинг ҳамжиҳатлиги ҳар бир ишни баробар бажаришда. Аёллар ишлашади лекин уй ишлари, ош-овқат, фарзандлар таълим тарбияси ҳам аёлларга юклатилади. Айни шу масалаларда оталар ҳам масъулияни бўйниларига олишлари ожиза ҳисобланган жуфти ҳалолларига ёрдамлари аямасликлар бахтли оилаларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтмоқчиманки, мен гендер тенглигига қаршиман сабаби биз шарқ аёлларимиз, доимо оила боши ота ҳисобланган ва бунга қўшиламан. Биз экраклар билан тенг эмасмиз, бир поғона пасдамиз. Сабаби Момо Ҳаво ҳам Одам Атонинг қовирғаларидан яралган. Аёллар ҳилқати бўйича ожиза, қизларимиз эса боғимиздаги гўзал гул бўлса эркаклар

эса боғбон. Ҳар бир гул учун уни ҳурмат қиладиган, эъзозлайдиган, фикрларини ва қарорларини қабул қила оладиган, кучли ва мард боғбони насиб қилсин. Шунда жамиятда аёлларга яшаш ҳам ривожланиш ҳам онсон бўлади. Аёллар эса ўз турмуш ўртоқларига ишонч билдириш уларга оиласини буюк тоғи сифатида қарашлари таъкидламоқчиман.

Таклифлар:

1. Қизларимизинг соғлиғини ёшлигидан бошлаб мунтазаам кўриклардан ўтказиш ва бунда ота-оналарнинг масъулиятини ва оилавий паликлиникаларларнинг ҳиссасини ошириш;

2. Қизларимизга сифатли билим ва касб-ҳунарни ўргатиш;

3. Зўравонликларни олдини олиш ва қизларимизни ёшлигидан ўзларини ҳимоя қила олишлари учун спорт турлари карате ва бокс тўгараклари билан шуғулланишларини йўлга қўйиш;

4. Ёш келинлар ва фарзанди бор оналар учун ўқув машғулотларида кўмак бериш.